

## 3-ТТЖ да сиёсий партиялар ва «Ёшлар сиёсий онгини шакллантириш» га мулжалланган

Тадбир “Педагогика, Психология ва ўқитиши методикаси” кафедраси томонидан ташкил этилган ДЕБАТ 2019-йилнинг 13-декабр куни ўтказилди. Кафедра мудири ва профессор-ўқитувчилари томонидан ўтказилган дебат шаклидаги савол-жавоблар айна пайтдаги долзарб муаммоларга қаратилган бўлиб, ёшлар ва жамиятимиз юқори қатламидаги шахсларнинг ҳуқуқий онгини, билмини шакллантиришга йўналтирилган давра суҳбати ҳисобланади. Ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири жамиятимизда олиб бориладиган сиёсий тизимга бўлган қизиқишлар ва норозиликлар бўйича тезкор савол-жавоблар бараҷа ёшлар учун ижобий натижалар бера олшига ишончимиз комилдир. Институтимизда маънавий-маърифий тадбирлар ойини ташкил этилиши бугунги кунда ёшлар онгига ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда. Шу жумладан бугунги тадбиримиз ҳам барча профессор-ўқитувчилар ва талаблар онгига ижобий таасуроот кўрсатиш билан бирга, ёшларнинг ўзлигини англашга тўғри йўлни танлашга яна бир имкон бера олади.



1. Сиёсий партиялар ва уларнинг фаолияти тўғрисида тушунчалар борми?
2. Жамиятимизда сиёсий - ҳуқуқий тарбия даражалари ҳақида нималарни биласиз?
3. Сиз билган қайси давлат сиёсати сизга маъқул?
4. Давлатимиз бошқарувининг маъқул томонлари?
5. Давлатмиз бошқарувининг номаъқул томонлари?
6. Сиёсий партиялар бизнинг жамиятимиздаги ўрни ва вазифалари тўғрисида нималар биласиз?
7. Давлатимиз раҳбарларининг бошқарув тизимидаги ўрни ва ваколатлари тўғрисида нималар биласиз?
8. Давлат бошқаруви сизга маъқбулми ёки маъқбул бўлмаган томонлари тўғрисидаги тушунчаларингизни айтинг?
9. Ривожланган мамлакатлар томонидан олиб бориладиган сиёсий-ҳуқуқий бошқарув тўғрисида тушунчага эгамисиз?
10. Қайси давлат бошқаруви сиз учун маъқул?
11. Давлат бошқарувида хотин-қизлар ўрни тўғрисида нималар биласиз?
12. Бўлиб ўтган сиёсий ўзгаришлар халқ манфаати учун маъқулми?
13. Халқ манфаати деганда нимани тушунаси?
14. Ёшларнинг сиёсий тушунчага бўлган муносабатлари қай даражада?
15. Нега барча ёшлар қатламида ички низолар ва норзичилик ҳислари юқори даражада?
16. Яратилган барча имкониятлар халқ манфаатлари ва ёшлар ҳозирги кунига яратилган имкониятлар учун мулжалланганми?
17. Сизларга берилган барча имкониятлардан фойдалана оляпсизми? агарда йўқ бўлса нималарни қўлдан бой бердингиз?
18. Агарда сизга давлат бошқарувида иш бошлаш имконияти берилса биринчи бўлиб ишни нимадан бошлаган бўлардингиз?
19. Хотин-қизларни бошқарувидаги ўрни ва вазифалари ҳақида нималар биласиз?
20. Мавжуд имкониятларимиз ўтган 10 йил олдинги имкониятлар билан тубдан фарқи борми? Агар бўлса улар нималардан иборат?.



Барча талабалар савол-жавобга фаол иштирок этишди. “Дебат” барча ёшларимиз онгида ижобий таасурот қолдирди. Айна шунга ўхшаш эркин фикрлар жараёнини ёшлар ўртасида сурункали равишда олиб бориб туриш лозимлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Тайёрлади ПП ва ЎМ кафедраси доценти Д.И.Мукумова